



# Shu aziz VATAN — barchamizniki! O'ZBEKISTON OVOZI

2013-yil, 11-aprel. Payshanba 43 (31.633) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

**Маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларининг фаолиятига одамларни, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи уларнинг ҳудудида қандай ҳал қилинаётганига қараб баҳо берилади.**

## ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб номланиши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг асосий йўналишлари халқимизнинг яхши яшаши учун янада муносиб шароитларни яратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади.

Партияимизнинг бу жараёндаги иштироки эса электорат манфаати ва ҳаётий эҳтиёжи билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур.

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг IX пленумида ушбу масалалар муҳокама этилди, партияимизнинг Ҳаракат дастурида 2013 йил учун кўзда тутилган вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

Пленумда дастлаб вилоят партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда.)

## ҲАР БИР ТАШАББУС

аниқ мақсадга йўналтирилиши керак



## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

фаолиятимизнинг асосий мезонидир

Ўтган йили аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳволи, коммунал хизмат сифати билан боғлиқ муаммолар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилишида депутатларимиз фаол қатнашди.

⇒ 2

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ

фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди

Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этишида ўзига хос ўрин тутаяпти. Бу мамлакатимизда бозор муносабатларини янада чуқурлаштиришида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## «Жаҳон чемпиони — 2013»

## ЎЗБЕКISTON — СПОРТ МАМЛАКАТИ

— дейишмоқда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида давом этаётган IV жаҳон чемпиони қатнашчилари

Бугун бугун дунё оғир атлетика муҳлисари-нинг диққат-эътибори мамлакатимиз пойтахтига қаратилган. Мана бир неча кундирки, муҳташам «Ўзбекистон» спорт саройида ўсмирлар ва қизлар ўртасида IV жаҳон чемпиони бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада ер куррасининг беш қитъасидан ташриф буюрган беш юз нафарга яқин энг умидли ва иқтидорли спортчи кураш олиб борапти. Кучлилар келаси йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган II Бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадаси йўлланмасига эга бўлишади.

⇒ 4



## Эътироф

Ренга Баю ПРАТАМА,  
оғир атлетикачи (Индонезия):

— Халқаро мусобақаларда қатнашиш мақсадида кўплаб мамлакатларга борганман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. Айниқса, ўзбек ёшларининг юксак муомала маданияти, Ватанига муҳаббати, фахр-ифтихори, замонавий фикрлаши ва бой дунёқараши ҳавасимизни келтирди. Ҳар бир спортчи учун энг асосий мақсад халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиш ҳамда Ватанига ёруғ юз билан қайтишдир. Тошкентдаги чемпионатда қатнашганимнинг юксак муомала маданияти, Ватанига муҳаббати, фахр-ифтихори, замонавий фикрлаши ва бой дунёқараши ҳавасимизни келтирди.

Диққат, янги рукн:  
Орамиздаги қаҳрамонлар

## ОДАМИЙЛИК БУРЧИМНИ БАЖАРДИМ

дейди уч боланинг  
ҳаётини асраб қолган йигит

Хўш, Руйиддин қаҳрамонми? Кимдир унинг ўзига ўхшаб, шу ҳам гапми, оддийгина одамийлик бурчини бажарган, холос, дейиши мумкин. Мен сизга эътироз билдираман. Ўша кун битта Руйиддинда эмас, кўп одамларда бу бурчни бажариш имконияти бор эди. Бу гапларни нима учун айтаяпман? Орамиздаги кўзга кўринмайдиган, назарга тушмайдиган қаҳрамонларга эътиборлироқ бўлайлик. Уларни шарафлайлик. Зеро, қаҳрамонлик қаҳрамонликни тутдиради.

3-бет

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

### СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

ошишида қуйи бўғин ташаббускорлиги муҳим ўрин тутди

Ўзбекистон ОВОЗИ ШУ АЗИЗ VATAN — barchamizniki! +19°C

Беш саҳифа Тақрири Рубрика Тавриф ва мулоқазлар Алоқлар Ойна Бўғин 10.04.2013 21:35

2013 йил — Обод турмуш йили

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИР КУЧИ ошишида қуйи бўғин ташаббускорлиги муҳим ўрин тутди

Фотогалерея Видеогалерея

www.uzbekistonovozi.uz



Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазибаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини янада ошириш зарур.

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

фаолиятимизнинг асосий мезонидир

**Шу кунларда бўлиб ўтаётган Ўзбекистон ХДП минтақавий кенгашлирининг пленумларида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада кучайтириш масалалари муҳокама этилмоқда.**

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги тўққизинчи пленумида партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

— Вилоят партия кенгаши ўтган йилги фаолиятини Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, «Мустақкам оила йили» Давлат дaстуридa белгиланган устувор йўналишлар ҳамда партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дaстурi асосидa олиб

борди, — деди вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков. — Хусусан, бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ишини янада жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлик гуруҳларининг электрот манфаатига хизмат қиладиган, партияимиз дaстуридa белгиланган қаратилган аниқ ташаббус ва амалий ҳаракатларини кучайтириш бўйича муайян натижаларга эришилди. Қатор ижтимоий масалалар туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияларида муҳокама этилди. Жумладан, халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашининг 2012 йил 9 январдаги ўн биринчи сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳи тақлифи билан Янги иш

ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дaстурi ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бундай мисолларни Қўшрабoт, Ургут, Пахтачи, Булуғғур, Тайлоқ, Пастдаргом ҳамда Каттақўрғон туман Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳлари фаолиятидан келтириш мумкин.

— Ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тoшев. — Утган йили аҳолига транспорт хизмати қўрашишнинг аҳволи, коммунал хизмат сифати билан боғлиқ муаммолар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилишида депутатларимиз фаол катнашди. Бироқ айрим туман Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳ-

лари бугунги кун талаблари даражасида меҳнат қиляпти, деб бўлмади. Яна бир масала. Йил бошида Обод турмуш йили муносабати билан бажаралиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланиб, барча депутатлик бирлашмаларига алоҳида депутатлик юклатилган эди. Аммо баъзи депутатлик гуруҳлари фаолиятда ҳалигача бу бўйича етарли ижобий натижаларга эришилгани йўқ. Бундай ўзбўларчилик кайфияти билан асло муро-са қилиб бўлмайди. Шу боис ҳар бир депутатлик гуруҳи ўз ишига талабчан бўлиши, фаолиятини танқидий руҳда қўриб чиқиши ҳамда жорий йилдаги вазибаларни адо этишда ташаббускор бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, тadbирда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабов, «Фаол аёллар» қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси Ҳафиза Азимова ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибдаги ма-

салалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва тақлифларини билдирди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев иштирок этиб, вилоят партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ қатор фикрлар, аниқ тавсияларни ўртага ташлади.

Пленум якунида барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига ижтимоий-сиёсий, мафкурарий йўналишларда олиб бoрилаётган ишларни янада тақимлаштириш, электрот манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, партия ташкилотларида фаолият қўрсатаётган кадрлар салоҳиятини ошириш билан боғлиқ вазибалар юклатилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**муҳбири.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ

фаолиятини тақимлаштириш масалалари муҳокама қилинди

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йигилишида «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижалари қўриб чиқилди.**

Таъкидлаш кераки, мазкур қонун мамлакатимизда ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига оид муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи ҳўжалик низоларини ҳал этишда ўзига хос ўрин тутаяпти. Бу мамлакатимизда бозор муносабатларини янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Йигилишида Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ҳакамлик судлари асоциацияси ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Таъкидландики, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, кучга киргандан буён деярли барча вилоятларда ҳакамлик судларини ташкил этиш борасида муайян ишлар қилинди. Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз бўйича 208 та доимий фаолият юритувчи ҳакамлик суди рўйхатга олинган. Уларда 749 нафар ҳакамлик суди судьяси ҳисобда туради.

Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий бошқармалари ҳузурда 124 та, Ўзбекистон ҳакамлик судлари асоциацияси ҳамда унинг ваколатхоналари ҳузурда 155 та, шунингдек, бошқа юридик шахслар ҳузурда ҳам ҳакамлик судлари ташкил этилган.

Ҳакамлик судлари ўз фаолиятини холислик, қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишувчи ва тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асоцида амалга

аширмоқда. Йигилишида «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ижобий ишлар эътироф этилиб, ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил этиш ва ишларнинг қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда қўриб чиқилишини таъминлаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, назорат-таҳлил давомидан ҳакамлик судлари томонидан айрим ҳолларда қонун меъёрларига зид равишда, ўз ваколатларига кирмай-да, ўз ваколатларига кирмай-да, даъво аризаларини қўриб чиқиш амалиёти учраётгани маълум бўлди.

Депутатлар ва мутасаддилик ва мутасаддилик вакиллари билан бартараф этиш чоралари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан, ҳакамлик судьяларини тайёрлаш ва маллақасини ошириш талаб даражасида ташкил этиш, доимий фаолият қўрсатувчи ҳакамлик судларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада тақимлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, йигилишида ҳўжалик юритувчи субъектлар, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат қўрсатувчиларнинг ҳакамлик судлари ҳақидаги билими ва ҳабардорлигини ошириш, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган турили ўқув машғулотлари, тарғибот ишларини кучайтириш талаб этилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Йигилиш якунида қўмита муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилиб, мутасадди вазирлик ва идораларга қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли тавсиялар берди.

**Тўлқин ТўРАХОНОВ**

## ҲАР БИР ТАШАББУС

аниқ мақсадга йўналтирилиши керак

**Санда ЖўРАЕВА,**  
**ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Утган йили депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ муайян ишлар олиб борилди. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида 4 та, доимий комиссиялар йигилишларида эса 3 та масала муҳокама этилди.

Хусусан, халқ депутатлари Бухоро туман Кенгаши сессиясига «Туманда саноат ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш», Қорақўл туманида «Хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш», Вобкент туманида «Еш оилаларини иш билан таъминлаш ва улар тадбиркорлик фаолияти билан шўгулланиши учун шарт-шароит яратиш бўйича олиб бoрилаётган ишлар», шунингдек, 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дaстурi ижроси ўрганилиб, мазкур масалалар партияимиз дaстурий мақсадлари, электрот манфаатлари билан боғлиқ тарз-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

да сессиялар кун тартибига олиб чиқилди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари атрофлича таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни ҳар томонлама бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Бироқ Ғиждувон, Олот, Пешку туман партия кенгашлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятда аниқ самара ҳамоно кўринмапти.** Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, Ҳаракат дaстурi ижросини таъминлашда суст-кашликка йўл қўйилмоқда. Амалий ҳаракатларни эса халқ ишончини қозониб бўлмади...

Пленумда партия фаоллари ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга joyлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва 2013-2014 ўқув йилида уч томонлама шартномалар тузиш амалиёти янада тақимлаштириш, қўшимча инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бўйича асосли муқобил тақлифлар киритиш ҳисобига бандликни ошириш, маҳаллийлаштириш дaстурларi доирасидa янги ишлаб чиқариш корхоналари, қасаначиликни ривожлантириш эвазига иш ўринларини яратиш борасидаги дол-

зарб масалаларни ўртага қўйишди. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг бу каби вазибаларни ҳал этишдаги амалий иштирокини таъминлаш бўйича аниқ тақлифлар билдирилди.

**Файзулло БЕБУТОВ,**  
**ЎзХДП Қорақўл туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Янги иш ўринлари очиш ва турли тармоқларнинг ривож топишида, турмушимиз фаровон бўлишида оилавий тадбиркорлик муҳим аҳамиятга эга. Шу боис йил бошида кишиларни, айниқса, корхона ва ташкилотларда ишлаш имкони бўлмаган, яъни бола тарбияси билан банд аёллар ва ногиронларнинг бу борадаги билим ҳамда тушунчаларини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Шунингдек, яқинда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тумандаги ишлаб чиқариши корхоналарининг фаолияти, иш ўринларини ўрганиш бўйича махсус чоралар ишлаб чиқдик. Шу асосда меҳнатга лаёқатли, касби, хунари бор электрот вакилларини қасаначиликка жалб қилмоқчимиз.

**Толиб АВЕЗОВ,**  
**ЎзХДП Вобкент туман кенгаши раиси:**

— Ҳаракат дaстуридaги вазибалар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан келиб чиқиб белгиланган. Бу ўринда, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, мустақил иш бошлаш бўйича лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизмат қўрсатиш ва сервис, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилигини ривожлантириш, томоққадан самарали фойдаланишни ташкил этишда ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда ишлаш муҳимдир.

**Пленумда, шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш, сиёсий ўқувлар таъсирчанлиги, депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.** Ислохотларнинг ҳудудлардаги самарасини таъминлаш борасида аниқ тақлифлар билан чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар бўйича партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
**«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

ЎзХДП ҳаётидан

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

фаолиятини бағишланди

**ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

Унда вилоят партия кенгаши ходимлари, туман ва шаҳар партия кенгашлари фаоллари, БПТ етакчилари, депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳамда соҳа мутахассислари кўйи бўғин фаолиятини замон талаблари асоцида янада тақимлаштириш, етакчилар сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларида фикр алмашишди.

Партия электротратининг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш, қизиқиб ва эҳтиётларини аниқлаш, ижтимоий масалаларга ечим топишда бошланғич ташкилотлар муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Бу борада жамоат ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни мустақамлаш кераклиги таъкидланди. Семинар давомида партия ҳудудий кенгашлари томонидан БПТ фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича методик ва амалий тақлифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, кўйи бўғин етакчиларини ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган ёшлар орасидан сайлаш масаласига эътибор қаратилди.

Тadbирда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган тавсиялар билдирилди.

**Дийёр ҲАСАНОВ**

## ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР

**«Истикбол» ёшлар қаноти Навоий вилоят бўлими ташаббуси билан «Интернет ва ёшлар: муваффақиятлар, муаммолар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Сўзга чиққанлар, интернетнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамиятига тўхталиб, бунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мафкурарий иммунитетни шакллантириш муҳимлигини қайд этишди.

Давра суҳбатида ахборот хуржларига қарши туриш, унинг салбий оқибатлари ҳақида кенгроқ тушунча бериш, бу борада қанот олдида турган вазибаларини самарали бажариш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилди.

Давра суҳбати қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчи ёшлар эркин фикр алмашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Илҳом САТТОРОВ**

Кўргазма

## ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

**«Ўзэкспомарказ» кўргазмалар залида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида «Соғлиқни сақлаш — ТИНе» ўн саккизинчи Тошкент халқаро тиббиёт, «Аптека экспо Марказий Осиё» саккизинчи ҳамда «Stomatology Uzbekistan» тўққизинчи халқаро кўргазмалари очилди.**

Кўргазмалар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзфармсанот» ДАК, «Ўзтибтехника» МЧЖ, Стома-тологлар уюшмаси томонидан «ITE Uzbekistan» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, замонавий тиббий анжуманлар билан таъминлаш борасидаги ишлар аҳоли саломатлигини самарали муҳофаза қилиш ва мустақамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислон Қаримовнинг 2011 йил 28 ноябрда

қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омил бўлаётди.

Жорий йил ўшбу кўргазмада Австрия, Бельгия, Беларусь, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Жанубий Корейя, Польша, Қозоғистон, Россия, Туркия, Украина, Чехия, Швейцария каби йигирмадан зиёд мамлакатдан бир юз олтидан зиёд корхона ва ташкилот ўз махсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмокда. Уларнинг орасида тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича дунёда етакчи мавкега эга Унлаб компаниялар бор.

«Соғлиқни сақлаш ҳафталиги» мутахассислар томо-



нидан «тиббиётчилар мактаби», деб бежиз айтилмайди. Чунки ҳафталик доирасида замонавий тиббиёт технологиялари кўргазмаларига уйғун равишда соҳа муҳандисларидан янги технологияларни созлаш ва ишлаш, фармацевтлардан дори-дармонларнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан

маълумот ва маслаҳатлар олиш мумкин. Ҳафталик доирасида онкологияда радиотерапияни қўллашнинг замонавий услублари, стоматологиянинг долзарб масалаларига оид халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
**Ўз муҳбири.**



Диққат, янги рукн: Орамиздаги қахрамонлар

Интернет-суҳбат

# ОДАМИЙЛИК БУРЧИМНИ БАЖАРДИМ

дейди уч боланинг ҳаётини асраб қолган йигит

— Кўплаб интернет сайтлари сизнинг қахрамонлигингиз ҳақида ёзишган, воқеанинг тафсилотларига қизиқяпмиз...

— Қанақа қахрамонлик? — дейди бўлажак мақоламнинг қахрамони ва умуман қахрамон, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистратура бўлими биринчи босқич магистранти Руйиддин Тариев. — Майли тафсилотларни гапириб бераман...

Сирасини айтганда, биз журналистлар, кўпчилик ўйлаганидек, воқеаларни бўяб бежамаймиз, ҳаётнинг ўзини кўрсатамиз, холос. Бу сафар ҳам одатгидек воқеа гувоҳларининг сўзларига таянамиз.

Қахрамонлик масаласига келсак, хулоса чиқариш воқеага қандай нуқтаи назар билан қарашга, шунингдек, одамнинг савиясига ва кўнглига ҳам боғлиқ. Гапни чўзиб нима қилдик, вазирамиз тафсилотларни сизга етказиш, хулосани эса ўзингиз чиқаринг.



бир ўзи қандай кўтариб келди? Нарвонни иккинчи қават балконидаги тираб қўйишга уринаётган Руйиддинга кўшини уйда яшайдиган Славик амаки ёрдамга келди. Ва ниҳоят нарвон жойига ўрнатилди. Йигит нарвоннинг ўрталарига келганда, пастанд «маслаҳат» эшитилди:

— Газ тўлиб, портласа, ўзингиз ҳам, болалар ҳам ҳалок бўлади, қурбонларни кўпайтирма, йигит.

Агар у бу маслаҳатга қулқосиб, қайтадиган одам бўлса, бошиданок болаларни қўтаришга киришмаган бўларди.

Балкон деразасини уриб синдиргани таъқими, темирми қанчон ва қандай қўлига тушганини ҳам билмайди. Билгани шунки, дераза синганида балконида икки талаб бора эди. Келинлар, дейиши билан каттароғи унинг олдига югурди. Руйиддин болани бағрига босиб, нарвон пиллаполярларидан паस्ता энэр экан, вақтдан фойдаланиб, боладан сўради:

— Балкондаги қиздан ташқари уйда яна ким бор?

— Залда, беланчада синглим бор, — қоп-қора дудга беланган талаб зўрага жавоб берди.

Руйиддиннинг паस्ता тушишига ҳоҳаж қолмади, кимдир нарвоннинг ўртасигача етиб келган эди, болани унинг қўлидан олди. Бола бу одамни оқибатда уй деворларидан ҳосил бўлган юпқа муз қатлами тўғайли бунинг иложи бўлмади. Шошилганда, даҳшатга тушганнингда ақлингни, хотирангни йўқотасан дейишадди. Руйиддинда бунинг акси бўлаётганда — у бир вақтлар темир нарвон кўзига ташланганини эслаганди ва уни олиб келиш учун югуриб бораётганди. Битта ўзи.

Ҳозир, воқеадан бир неча ой ўтиб эслолмайди — одамлардан ёрдам сўраганимди ўшанда. Ҳозир у бир нарсасга ҳайрон қолади — арматуралардан ясалган, иккинчи қават бўйидан ҳам узунроқ зил замбил нарвонни

шилмади. — Руйиддин ҳақиқий қахрамон, — дейди воқеа гувоҳи Луиза Харитоновна. — Биз унинг эсон-омон чиқишини дуо қилиб, жон ҳовучлаб турсак, яна тепадан туриб, болалардан аниқлаб сўранглар, яна кимдир бормикан ичкарида, дейди.

Соат 15 дан 29 дақиқа ўтганида, хабар олинганидан кейин етти дақиқа ичида ўт учирувчилар ҳам етиб келишди. Улар оловни балкон орқали қилиб бартараф этишди.

— Биз етиб келганимизда болалар қўтарилган экан, — дейди смена бошлиғи, катта лейтенант Улмас Муҳаммаджонов. — Уй бекаси уч нафар ёш боласининг устидан қўлфлаб, бозорга кетган. Болаларнинг каттаси синглисига сут пишириб бермоқчи бўлган. Идишни сочиқ билан ушлаб, газдан олган, сочиқ ёниб, паस्ता тушган, гилам ва ошхона эшиги ёна бошлаган. Деразалар ёпиқлиги сабаблигина олов бирдан аланга олмаган, бир фидойи инсон тўғайли болалар биз етиб келганимизга қўтарилган.

Улмас Муҳаммаджонов ўзининг унчалик кўп бўлмаган — беш йиллик ўт ўчирувчилик фаолияти давомида бир неча бор олов ичидан қурбонларни олиб чиқишига тўғри келганини таъкидлайди. Лекин, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб олов ичига кирган фуқарога дуч келмаган.

— Чунки касбимиз жисмоний ва профессионал тайёргарликни талаб қилади. Базан биз ҳам вазият олдида охири қолишимиз мумкин, — дейди у.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистратура бўлими раҳбари Музаффар Эсанов Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирда талабаларга ҳозир уларнинг орасидаги ҳимоячининг мардлиги тўғрисида гапириб беришини айтганда, барча ҳайрон қолди. Раҳбар уларнинг ҳамқурси олов ичидан утга тўдакни олиб чиқиб, жасорат

Ман, воқеанинг тафсилотлари. Тўғри, Руйиддиннинг ўзи билан бу қахрамонликни ёки йўқ, қабилида баҳсга киришмайман. Унинг камтарлиги бу борада баҳс юритишга йўл қўймайди ҳам.

Аммо сиз, мақолани сабр билан ўқиб чиққан азиз ўқувчим билан истаганча баҳслашимиз мумкин.

Хўш, Руйиддин қахрамонми? Кимдир унинг ўзига ўхшаб, шу ҳам гапми, оддийгина одамийлик бурчини бажарган, холос, дейиши мумкин.

Мен сизга эътироз билдираман. Уша кун битта Руйиддинда эмас, кўп одамларда бу бурчини бажариш имконияти бор эди.

Бу гапларни нима учун айтаяпман? Орамиздаги кўзга кўринмайдиган, назарга тушмайдиган қахрамонларга эътиборлироқ бўлайлик. Уларни шарафлайлик.

Зеро, қахрамонлик қахрамонлиқни тугдирлади.

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

# БИЗНЕС БОШҚАРУВ

ахборот технологияларини, жаҳон бизнесига интеграциялашувни ва чет тилларни билишни тақозо этади, — дейди «London School of Commerce»нинг Малайзия филиали талабаси Ривожиддин Турсунов

— Мустақиллик тўғрисида жуда кўп ёшлар хорижда ўқиш имкониятига эга бўлди, — дейди у. — Мақтаб даврида чет тилларни, ахборот технологиялари ва интернетни яхши ўрганганим кўл келди. Интернет орқали Малайзиядаги бизнес мактабга кириш имтиҳонларини топширдим ва ўқишга қабул қилиндим.



Музаффар Эсанов билан фикримиз бир жойдан чиқди — қахрамонлик, ўз ҳаётини хавфга қўйиб, ўзгаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун фақатгина таълим масканидаги тарбиянинг ўзи қифоя эмас. Аввало, оилада шундай тарбия муҳити бўлиши керак. Балким, қахрамонликка элтадиган туйғулар одамнинг қонида бўлиши керакдир?

Руйиддин серфарзанд оилада улғайди. Отаси Назим бобо бутун умри давомида ҳайдовчи, онаси эса ҳўжалик ишчиси бўлган, ҳозир иккала-си ҳам пенсияда, ўқитиб, уйли-жойли қилган фарзандлари ва набираларининг роҳатини кўришяпти.

Воқеанинг гувоҳи бўлган, ўзининг таъбири билан айтганда, ўғлининг «оддийгина одамийлик бурчини» бажарганига ҳадикча қўлиб турган Тошбуви она юзларни қурумдан қорайган дилбандни раҳматга олиб, бўғида тилиқилиб турган йигини зўрага босиб икки оғизгина сўз айтди:

— Сен савоб иш қилдинг болам. Мен сен билан фахрланаман!

давлатидаги элчихонаси билан ҳамкорликда миллий байрамларимиз арафасида уюштирилаётган тадбирлар, спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб туришимиз. Бу анжуманларда биз Малайзиянинг бошқа олийгоҳларида билим олаётган ҳамюртларимиз билан учрашамиз, фикр алмашамиз.

— Малайзияликлар ўзбеклар ҳақида нималарни билишади?

— Улар бизнинг давлатимиз, тарихимиз, аждодларимиз, шаҳарларимиз ва бугунги кунда мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жуда кўп маълумотга эга. Маҳаллий аҳоли буюк аждодларимиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий ва улар томонидан ёзилган китоблар ҳақида билишади. Шунингдек, буюк саркарда ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур шаҳси ва унинг авлодлари ҳақида бизга саволлар беришади.

— Хорижда ўқинишнинг масъулияти борми?

— Очигини айтганда, буни сўз билан ифода қилиб қийин. Биринчи навбатда юртдан узоқлашганда, Ватан нима эканлигини тушуниб етдим. Утган икки йил давомида Ўзбекистон ҳақида айтилган ҳар бир эътироф мен учун энг ардоқли туйғуга айланди. Ўзбекилимдан, Ўзбекистондан тўғилиб, ўсганимдан фахрланаман.

Ўқишимни якунлаб Ватанимга, ота-онам бағрига қайтаман. Ишга қираман. Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига ўз ҳиссамни қўшаман.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АбЗам суҳбатлашди.

# ФАРҒОНА: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон — Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар йилдан йилга кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, энди ҳар икки мамлакатнинг айрим шаҳарлари тўғрисидаги ўқувчи ва ёшларнинг маданий алоқалар ўрнатиб, турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бу борада Фарғона вилоятидаги ишлар эътиборга лойиқдир. 2012 йил якуни бўйича вилоятнинг Корея Республикаси билан таъқиқ савдо айланаси 50,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2011 йилга нисбатан бир ярим баробар ортди.

Ушбу кўрсаткич жорий йилда янада сезиларли даражада ўсиши кутилмоқда. Гап шундаки, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Корея Республикасининг Ёнгин ва Ёнсангу шаҳри тадбиркор, ишбилармон ҳамда ишлаб чиқарувчилари ўртасида таъқиқ алоқалари, ҳамкорликда янги корхоналар ташкил этиш, инвестиция киритиш каби йўналишларда жадал йилла олиб борилаётган.

2012 йилда дастлаб Ёнгин шаҳри мэри Ким Хак Куй бошчилигидаги делегация Фарғона вилоятида бўлди. Ташрифт доирасида икки томон алоқаларни ривожлантириш ҳамда туризм соҳасида ҳамкорликни амалга оширишга келишиб олинди. Сўнгра Фарғ-

она вилояти делегацияси Корея Республикасига сафар уюштирди. Унда Президентимиз Фарғонидан белгиланган берилган имтиёзлар, вилоятнинг инвестицион имкониятлари ҳақидаги тақдирот учрашув ва семинарларда намойиш этилди. Натижада, ўзимизнинг маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган бир қатор компаниялар ўртасида алоқалар ўрнатилди. Ошхона жиҳозлари ишлаб чиқарувчи «Seongchan Benifisa Co.,Ltd.», кондиционер ва иситиш мосламалари ишлаб чиқарувчи «SEL Air Conditioning Co.,Ltd.», пластмассадан турли маҳсулотлар тайёрлайдиган «Gummyeong Industry», тайёр текстиль

ва ётоқхона буюмлари ишлаб чиқариш ускуналарини етказиб берувчи «Micro Corporation» компаниялар, шунингдек, деҳқон ҳўжалиқлари учун томчилаб сугорувчи ускуналарга ихтисослашган «Celltiron» компаниялар шулар жумласидан.

Утган йил охирида ишлаб чиқарувчилар ва хорижий ишбилармонлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида вилоят ҳокимлигининг таклифи билан ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркасига Франция, Корея ҳамда республикамизда фаолият юритаётган хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди. Ярмаркада 9 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда экспорт шартномалари тўзилди.

Ёнсангу шаҳар маъмурияти билан олиб борилган музокаралар тўғрисида 2012 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Ёнсангу шаҳар мэри Сунг Жанг Хюн бошчилигидаги делегациянинг Фарғона шаҳрига ташрифи амалга оширилди. Юртимизда Наврўз байрами нишонланаётган паллада эса Ёнгин шаҳрининг 20 нафарга

## Ҳудудий ислоҳотлар

яқин тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилари яна Фарғонага келдилар.

— Бу гал аниқ йўналишлар бўйича ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилди, — дейди делегация раҳбари, Ёнгин шаҳар мэри Уринбосари Хонг Сеунг По жаноблари. — Яна бир неча ойдан сўнг фарғоналик тадбиркорларнинг Корея Республикасига сафари чоғида вилоятнинг зўрага тўғридан-тўғри инвестиция киритиш, янги қўшма корхоналар ташкил этиш ҳақидаги амалий шартномалар имзоланади.

Дарвоқе, ҳозирда Фарғона вилоятида Корея сармояси иштирокида 8 та қўшма корхона ташкил этилган. Улар томонидан биргина ўтган йилда 97 млн АҚШ доллари миқдоридан экспорт амалга оширилди. Меҳмонлар «UZ Sangwoo», «Турон текстиль», каби корхоналар фаолияти билан танишди. Шунингдек, Марғилон, Қувасой, Қўқон шаҳарларида бўлиб, хунармандлар кўрганамларида иштирок этди. Тарихий обидаларга саяҳат уюштирилди. Ташрифт чоғида корейлик ҳамда фарғоналик тадбиркор ва ишбилармонлар учун «Бизнес форум» ўтказилди.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

**Эълон**

**«РЕСПУБЛИКА СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ**

«Ўзстандарт» агентлигининг 2013 йил 9 апрелдаги 133-сонли буйруғига биноан, ўз Устав фондининг 147 946 799, 41 (бир юз қирқ етти миллион тўққиз юз қирқ олти минг етти юз тўқсон тўққиз сўм қирқ бир тийин) дан 117 484 899, 61 (бир юз ўн етти миллион тўрт юз саксон тўрт минг саккиз юз тўқсон тўққиз сўм олтинчи бир тийин) га қамайтирилганини маълум қилади.



# ЎЗБЕКИСТОН — СПОРТ МАМЛАКАТИ

— дейишмоқда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида давом этаётган IV жаҳон чемпионати қатнашчилари



Чемпионат низомига кўра, умумжамоа ҳисобида 1-9 ўринларни эгаллаган терма жамоаларга иккита, 10-16 ўринларни банд этган мамлакат вакиллари биттадан йўланма тақдим этилади, — дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси вице-президенти Шахрулло Маҳмудов. Бахсларда ўсмирлар ўртасида саккиз, қизлар беллашувиди олти нафар ҳамюртимиз кураш олиб борапти. Мусобақада етмишга яқин мамлакат вакиллари оғир атлетика тарихи бўйича катта иштирок этмоқда.

Баҳром Абдумаликов бош мураббийлигида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси тарихида Махмурбек Йўлдошев (50 кг), Фолиб

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Нигматуллаев (62 кг), Абдуқодир Абдуҳалилов (69 кг), Суннатилла Шокиржонов (77 кг), Амрizzoда Ибрагимов (85 кг), Азамат Шарипов (94 кг), Азим Ганиев (94 кг), Элиёр Кенжаев (+94 кг) ўсмирлар, Гулноза Аҳмедова (48 кг), Замира Аминжоновна (58 кг), Нуржаҳон Хошимова (63 кг), Зарифа Хазратова (69 кг), Комила Петрова (+69 кг), Мадина Мингбоева (+69 кг) қизлар баҳсида мамлакатимиз шашини ҳимоя қилимоқда.

Мусобақанинг дастлабки кунда қизлар 44 кг, ўсмирлар 50 кг вазн тоифаларида кучилар номига оидинлик киритдилар. Гарчи, қизлар баҳсида вакилларимиз майдонга тушмаган бўлса-да, ушбу вазн тоифасидаги спортчилар чиқишини муҳлислар катта ҳаяжон билан

кузатишди. Унда даст кўтаришда 67 кг, силтаб кўтаришда 86 кг натижа кўрсатган Ри Су Ён (КХДР) шохсупланинг энг юқори поғонасига кўтарилиди ва яқунда иккикураш бўйича ҳам унга тенг келадигани топилмади. Мьянмалик спортчи Кинг Кинг эса рақибига ҳар икки йўналишда ҳам атиги бир килограмм (66 + 85) ўтказди, холос.

Бронза медали учун кечган бахслар янада кескин кўриниш олди. Унда даст кўтаришда 65 кг кўрсаткичи қайд этган руминиялик Моника Сунета учинчи ўринни эгаллаган бўлса, силтаб кўтариш бўйича энг яхши натижага эришган мисрлик Хеба Солих Махмуд бронза медали билан тақдирланди — 83 кг. Иккикураш яқундаги кура эса жами 143 кг кўрсаткичи ўзи-

ники қилган мисрлик спортчи кўшалоқ бронза медали билан қайтадиган бўлди.

Ўсмирлар ўртасидаги дастлабки кунги мусобақа терма жамоамиз аъзолари учун муваффақиятли яқунланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўз вазн тоифасида етакчилардан бири сифатида тилга олинган ҳамюртимиз Махмурбек Йўлдошев (50 кг) мураббийлар ишончини оқлади. У иккикураш (86 + 110) бахсларида 196 кг тош кўтариб, бир йўла учта бронза медалини кўлга киритди. Мазкур вазн тоифасида хитойлик Хиёнг Жоу Жао Пак кумуш медалига сазовор бўлди.

**Жефр Топчу, Туркия терма жамоаси бош мураббийи:**

Ўзбекистон — қалбимга жуда ҳам яқин. Юртингизга катта ва зўр соғинч билан ташриф буюрдим. Чунки ўз фаолиятимнинг охириги олти йилни шу заминда ўтказдим. Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси тақлифига кўра, 2006 — 2012 йилларда шартнома асосида мамлакат терма жамоасида мураббийлик қилдим. Ўзбек оғир атлетика ва унинг имкониятлари ҳақида кенг тасаввурга эгаман, деб бемалол айта оламан. Ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати мезбонлиги ҳам бежизга Ташкентга ишониб топширилмаган. Президентингиз ҳамда ҳукуматингиз томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўрсатилган ҳамжўрлик алоҳида таҳсинга лойиқ. Жумладан, бу ерда оғир атлетикага ихтисослашган мах-



сус мактаблар, спорт клубларининг аъло даражада иш юритиши учун барча шароитлар яратилганлиги диққатга сазовордир. Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) президентининг 2017 йилда катталар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионати мезбонлигини ҳам Ўзбекистонга ишониб топширилгани ҳақидаги сўзларини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Чунки бу юрт — чи-накам спорт мамлақати! Халқаро мусобақалар ўтказишда катта тажриба тўплаган, муҳими, тинч ва осуда. Бу ўлка ҳар қандай йирик мусобақага мезбонлик қилишга муносиб, деб биламан.

**Сергей Сирцов, икки карра жаҳон чемпиони, Барселона (1992 йил, Испания) ҳамда Атланта (1996 йил, АКШ) олимпиадалари кумуш медали совриндори, Россия оғир атлетика федерацияси президенти:**

— Рост, Ўзбекистонда болалар спортини, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турларини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар, кўлга киритилган йўтиқлардан ҳайратдаман. Юртингизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кўпроқ маълумот олишга эришаётганлигини таъкидламоқчиман. Мамлакатингиз оғир атлетикачилари халқаро майдонда эришаётган ютуқлари салмоғи ортиб бораётганлиги ҳам тасодиқ эмас. Замонавий ва кўркам

спорт иншоотлари, уларда яратилган шарт-шароитларни кўриб, очмиғи, ўзбекистонлик ҳамкасбларимга ҳавасим келди. Охириги ёзги Олимпия ўйинларида бир йўла олти нафар ҳамюртингиз оғир атлетика бўйича майдонга чиққан бўлса, 2016 йили бўладиган Рио-де-Жанейро олимпиадасида уларнинг сафи янада кенгайишига ишонман.

**Франческа Торселло, Италия терма жамоаси аъзоси:**

— Келажакда Ўзбекистондан оғир атлетика бўйича дунёга машхур спортчилар етишиб чиқса, асло ажабланмайман. Бу юртда ёшларни кўллаб-қувватлаш, иқтидорларни кашф қилиш йўлида амалга оширилаётган ишларни эшитиб, ўзбекистонлик тенгдошларимга ҳавас қилдим. Италияга қайтган, бу гўзал диёр ва меҳмондўст халқ ҳақида оила аъзоларим, дўстларимга албатта ҳикоя қилиб бераман.

Кеча ўтказилган беллашувларда спортчиларимиздан яна икки нафар ўз омадини синаб кўрди. Жумладан, қизлар ўртасида терма жамоамизнинг энг ёш аъзоси Гулноза Аҳмедова (48 кг) иккикураш бўйича 101 килограмм натижа кўрсатди.

Яна бир умидли полвонимиз Фолибжон Нигматуллаев (62 кг) эса штангани даст кўтаришда 102, силтаб кўтаришда 118, иккикураш бўйича 220 килограмм натижани қайд этди.

Бахслар давом этмоқда. **Эркин ҲОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

## Футбол

Мусобақанинг «В» гуруҳида тўп сураётган Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари ўз майдонига Қатарнинг «Лахвия» жамоаси билан куч синашди — 2:2. Гуруҳнинг иккинчи учрашувиди Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифок» аъзолари БААнинг «Аш-Шабаб» вакиллари йирик ҳисобда етди — 4:1.

## «БУНЁДКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи тўртинчи тур ўйинлари нихоятга етди.



Кеча эса «Г» гуруҳида қатнашаётган амалдаги Ўзбекистон кубоғи соҳиби «Бунёдор» футболчилари Хитойда «Пекин Гоан» жамоаси меҳмони бўлди. Унда учрашувнинг 32-дақиқасида Фозил Мусаев киритган ягона гол ҳамюртларимизга муҳим уч очкони тақдим этди. Ушбу ғалабадан сўнг, ўз очколарини 8 тага етказган бунёдорчилар гуруҳдаги пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлаб олдилар.

Гуруҳнинг иккинчи баҳсида «Поханг Стилрс» (Жанубий Корея) — «Санфрече Хиросима» (Япония) жамоалари майдонга тушди — 1:1.

Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги учрашувлари 23-24 апрел кунлари ўтказилади. Унда «Бунёдор» жамоаси Тошкентда «Санфрече Хиросима» вакиллари билан куч синашди, пахтакорчилар сафарда «Ал-Иттифок» футболчиларига қарши майдонга тушди. **(Ўз муҳбиримиз.)**

## 2013 йил — Обод турмуш йили

# МАҲАЛЛА ОБОД — КҰНГИЛ ОБОД

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда маҳалла институтини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Турмушимизни обод қилишнинг муҳим шarti — аввало маҳаллани обод қилишдир, деган ҳаракат бутун халқимиз орасида тобора кенг ёйилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир оила, маҳалла аҳли, кенг жамоатчилик фаол иштирок этаётди. Юртимизда кўпмақсадли кезиб юрган шу кунларда қайси маҳаллага борманг, худудларни тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги боғлар яратиш ишларининг устидан чиқасиз.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Наққошлик маҳалласида тўрт мингдан зиёд аҳоли, ўндан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ иштирок қилади. Маҳаллада ҳар шанба ва ақшанба кунлари ҳашар ўтказиш аънаанага айланган. Тозалик ишларини амалга оширишда маҳалла, уй-жай мулкдорлари ширкатлари, «Махсустанс» корхонасининг туман бўлими ҳамкорлиги яхши самара бераётди.

— Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойларида маҳалламиз аҳли ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эшмира Хўжаева. — Аҳоли, жумладан, ёшларимиз иштирокида ўтаётган ҳашарлар давомида бўш жойларга мева олиб ва манзарали даракт кўчатлари ўтқазилди. Хомийлар кўма-

гида иккита янги болалар майдончасини барпо этмоқдамиз. Бундан уч йил аввал фойдаланишга топширилган икки қаватли замонавий маҳалла гузариди аҳоли учун кўпмақсадли қулайликлар яратилган. Спорт-соғломлаштириш тўғрисидаги, пайнет, компьютер хоналари аҳоли ихтиёмида. Маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти ҳам шу ерда жойлашган.

Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисмини ҳимоялаш маҳалла фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Маҳаллада бу йўналишда фаолият юритувчи махсус жамоатчилик комиссияси аъзолари ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳолининг ўрганиб боради. Бюквичисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар, меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар ҳолидан мунтазам хабар олинади.

— Шунга гувоҳ бўлдимки, айнан маҳалла тузилмаси орқали ҳар бир хонадонга чуқур кириб бориш, ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топшиш мумкин экан, — дейди Наққошлик маҳалласи фаоли, «Дўстлик» ордени соҳибаси Тамара Бочкарева. — Шу боис фуқаролик жамиятининг бу ноёб институтини ва уни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлар бутун дунё аҳлининг ҳавас ва ҳайратини уйғотмоқда.

**ЎЗА**

## Ижтимоий реклама

# «Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари ҳамда тadbirkorлик субъектлари билан ННТ ўртасида ижтимоий шериклик» танлови тўғрисида эълон

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларни фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, тadbirkorлик субъектлари билан соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, жумладан, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалаларни ечишга йўналтирилган давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги самарали ижтимоий ҳамкорлигини аниқлаш, ННТларнинг бу борадаги фаолиятини рағбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

3. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзолигини тасдиқловчи маълумотнома.

4. Ташкилотнинг ижтимоий шериклик йўналишидаги амалий тажрибаси (Ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон шаклидаги ҳисоботи).

5. Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа муаммоларни ечишга йўналтирилган муҳим давлат дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда ушбу дастурларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнидаги иштирокчи юзасидан ҳисоботи.

6. Ижтимоий шериклик доирасида ижтимоий аҳамиятга доир бўлган аниқ муаммоларни ечишга халқаро, маҳаллий ҳамкорларнинг молиявий, моддий-техник, интеллектуал ва бошқа воситаларининг жалб этилиши юзасидан маълумот.

7. Амалга оширилган чора-таdbirkorликнинг ОАВда ёритилиши. (Туман, вилоят, республика ва чет эл медиа воситаларида эълон қилинган мақолалар, телекўрсатувлар, веб-материаллар рўйхати ва нусхаси).

**Тақдирлаш шакли:** биринчи ўринга — компью-

тер жамланмаси; иккинчи ўринга — нусха кўчириш аппарати (принтер-сканер);

учинчи ўринга — фотоаппарат. Шунингдек, турли йўналишлар бўйича рағбатлантирувчи дипломлар, сертификатлар ва қimmatбахо мукофотлар топширилади.

Танловга ҳужжатлар 2013 йил 1 апрелдан 2013 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар конвертда (А4 форматда) қабул қилинади, ҳужжатлар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фондида, қўйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Тошкент шаҳри, 100047, Амир Темур шўх кўчаси, 14-уй.

Ҳужжатларни қабул қилишда муддатлар почта штемпелидаги жўнатиш санасига асосан инобатга олинади. Тўғридан-тўғри топширилган ҳужжатлар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди офисида шанба ва ақшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача қабул қилинади.

Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 кегда расмийлаштирилиши лозим. Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.ngo.uz сайти ёки +99871 233-52-41 телефон рақами орқали олиш мумкин.

**Танлов ташкилий қўмитаси.**

**MUASSIS:** Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВ

**ТАНРИР НАУ'АТИ:**

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

**PARO'LIMLAR:**

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, А-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**Г — 446**  
16762  
**naxsada bosildi.**

**Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari**

O'ZA yakuni — 21.20  
Topshirilgan vaqti — 00.30

**Sotuvda erkin narxda**

Navbortchi: **ALISHER RO'ZIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2000-7633

1 2 3 4 5